

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1603-ҳадис

1603/4196 - عَنْ سَلَمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ قَالَ: حَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ r إِلَى حَيْبَرَ، فَسِرْنَا لَيْلًا، فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ لِعَامِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: يَا عَامِرُ أَلَا تُسْمِعُنَا مِنْ هُنَيْهَا تِلْكَ؟ كَانَ عَامِرُ رَجُلًا شَاعِرًا،

فَنَزَلَ يَخْدُو بِالْقَوْمِ يَقُولُ:

اللَّهُمَّ لَوْلَا أَنْتَ مَا اهْتَدَيْنَا
وَلَا تَصَدَّقَنَا وَلَا صَلَّيْنَا

فَاغْفِرْ فِدَاءً لَكَ مَا أَبْقَيْنَا
وَثَبِّتِ الْأَقْدَامَ إِنْ لَاقِيْنَا

وَأَلْقِيْنَ سَكِينَةً عَلَيْنَا
إِنَّا إِذَا صِيحَ بِنَا أَبَيْنَا

وَبِالصِّيَاحِ عَوَّلُوا عَلَيْنَا

فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ هَذَا السَّائِقُ؟ قَالُوا: عَامِرُ بْنُ الْأَكْوَعِ، قَالَ: يَرْحَمُهُ اللَّهُ.
قَالَ رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ: وَجَبْتُ يَا نَبِيَ اللَّهِ، لَوْلَا أَمْتَعْنَا بِهِ، فَأَتَيْنَا حَيْبَرَ، فَحَاصِرَنَاهُمْ حَتَّى أَصَابَنَا
مُخْصَّةً شَدِيدَةً، ثُمَّ إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى فَتَحَّهَا عَلَيْهِمْ، فَلَمَّا أَمْسَى النَّاسُ مَسَاءَ الْيَوْمِ الَّذِي فُتِّحَتْ عَلَيْهِمْ،
أَوْقَدُوا نِيرَانًا كَثِيرًا، فَقَالَ النَّبِيُّ r: مَا هَذِهِ النِّيرَانُ؟ عَلَى أَيِّ شَيْءٍ تُوقِدُونَ؟ قَالُوا: عَلَى لَحْمٍ، قَالَ: عَلَى
أَيِّ لَحْمٍ؟ قَالُوا: لَحْمِ حُمُرِ الْإِنْسِيَّةِ، قَالَ النَّبِيُّ r: أَهْرِيْغُوهَا وَأَكْسِرُوهَا. قَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَوْ
تُهْرِيْغُهَا وَتَعْسِلُهَا؟ قَالَ: أَوْ ذَاكَ. فَلَمَّا تَصَافَّ الْقَوْمُ كَانَ سَيْفُ عَامِرٍ قَصِيرًا، فَتَسَاؤَلَ بِهِ سَاقَ
يَهُودِيٌّ لِيَضْرِبِهِ، وَيَرِجُعُ دُبَابُ سَيْفِهِ، فَأَصَابَ عَيْنَ مُكْبِتَةً عَامِرٍ فَمَاتَ مِنْهُ، قَالَ: فَلَمَّا قَفَلُوا قَالَ
سَلَمَةُ: رَأَيْنِي رَسُولُ اللَّهِ r وَهُوَ آخِذٌ بِيَدِي قَالَ: مَا لَكَ؟ قُلْتُ لَهُ: فِدَاكَ أَبِي وَأُمِّي، زَعَمُوا أَنَّ عَامِرًا

حِيطَ عَمْلُهُ . قَالَ النَّبِيُّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّدَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : كَذَبَ مَنْ قَالَهُ ، إِنَّ لَهُ لَأَجْرٌ - وَجَمِيعُ بَيْنِ إِصْبَعَيْهِ - إِنَّهُ لَجَاهِدٌ مُجَاهِدٌ .
فَلَمَّا عَرَيْتُ مَشَى إِكْمَالًا مِثْلَهُ . وَفِي رِوَايَةٍ : نَشَأَ إِكْمَالًا .

1603.4196. Салама ибн Акваъ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Хайбар томон чиқдик. Кечаси йўл юрдик. Қавмдан бир киши Омирга: «Эй Омир, бирон нима эшитайлик!» деди. Омир шоир одам эди. Тушиб, қавмга хиргойи қила бошлади:

«Сен бўлмасанг, Аллоҳим,
Топмас эдик ҳидоят,
На садақа, на намоз,
Қилмас эдик ибодат.

Барча фидойинг Сенинг,
Айла бизни мағфират.

Душман олдида бизни
Собитқадам қил албат.

Устимизга туширгин
Хотиржамлик, сакинат,
Бизни улар **ортга** чорласа,
Бош тортамиз ниҳоят.

Улар бизга ҳайқириб,
Айлади қасду ғорат!»

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу бошловчи ким?» дедилар. «Омир ибн Акваъ», дейишди. У зот: «Аллоҳ уни раҳматига олсин!» дедилар. Шунда қавмдан бир киши: «(Унга шаҳодат) вожиб бўлди, эй Аллоҳнинг Набийси. Бизни ундан баҳраманд қилиб турсангиз бўлмасмиди?»

деди. Хайбарга келиб, уларни қамал қилдик. Қаттиқ оч қолдик. Кейин Аллоҳ таоло уни (Хайбарни) бизга фатҳ қилиб берди. Фатҳ насиб қилган кун арафасида кеч киргач, одамлар гулханлар ёқишиди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу оловлар нима? Нимага ўт ёқяпсизлар?» дедилар. «Гўшт (пишириш) учун», дейишди. «Қандай гўшт?» дедилар. «Хонаки эшакнинг гўшти», дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Буларни (қозонларни) тўкинглар ва синдириб ташланглар», дедилар. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, уларни тўкиб, кейин ювиб ташлаймизми?» деди. У зот: «Ёки шундай (қилинглар)», дедилар.

Омирнинг қиличи калта эди. Одамлар сафлангач, у бир яхудийнинг болдирига зарба бериш учун қилич солди, лекин учи ўзига қайтиб, тиззасининг кўзига тегди ва шундан ўлди. Қайтишгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени кўриб, қўлимдан тутдилар ва: «Сенга нима бўлди?» дедилар. Мен у зотга: «Ота-онам сизга фидо бўлсин! Омирнинг амали ҳабата бўлди, дейишяпти», дедим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Буни айтган бекор айтиби! Унга икки ажр бор – икки бармоқларини бирлаштиридилар – у заҳматкашдир, мужоҳиддир. Унингдек йўл тутган араб кам», дедилар».

Бизга Қутайба шундай сўзлаб берди: «Хотим бизга «(Унингдек араб камдан-кам) етишиб чиққан» деб айтиб берган».

Манба: hadis.islom.uz

